



Амалдор, вазир ва муншийлар ахволини билиш ҳақида



Умвол (закотчилар)га бирор амал берарканлар, унга халк билан яхши яшаб, яхши муомалада бўлиб, хирождан бошка солик талаб килмаслик йўл-йўригини кўрсатадилар. Хирожни ҳам у шундай йўл билан талаб килсинки, одамларга зиён етмасин. Солик ўз вақтидан олдин олинса, раиятга ранжу азоб етади, улар мажбурликдан мол-давлатларини ярим бакода сотиб, уй-жойларини ташлаб кетиб, овора ва сарсонликда гарибликка мубтало бўладилар.

Хикоят

Шундай эшитдимки, Кайкубод даврида етти йил кахатчилик бўлиб, ёмгир ҳам ёлмабди. У амалдорларига буюриб, бор галла-ларини соттиради-да, бир кисмини садака тарикасида халкка хадя этади. Байтулмол, хазинадан бева-бечоралар ҳамда заифаларга мадад бериб туради. Шу етти йил давомида унинг мамлакатида бирор киши очликдан ўлмайди. Омил (амалдор) ишларини ҳамиша текшириб бориш керак. Юкорида айтганимиздек, у ўз вазифасига тўғри амал килаётган бўлса, вазифасида қолади. Акс холда бу амални шойиста ва лойик кишига берадилар. Раиятдан зўрлик билан мол тортиб олган бўлса, эгаларига қайтарилади. Сўнгра у орттирган молу бойликларни мусодара қилиб, хазинага топширадилар ва ўзини ҳам жазолайдилар, бошхалар ибрат олиб, халққа ситам килмаслиги учун унга бошка амал ҳам бермайдилар.

Вазирлар ва эътимодли кишилар, уларнинг ахволини, қандай иш олиб бораётганликларини махфий йўллар билан ҳам текшириб қўядилар, чунки шохлик ва мамлакатнинг тинч ва тотувлиги ҳамда уларнинг фасоду зиёнлари ҳам ўша вазирларга боглик. Агарда вазир яхши, ниятлари нек бўлмаса, мамлакатга зиёну зарар етади, уни тузатишнинг иложини топиб бўлмайди ва подшоҳ ҳамиша овора, хафа бўлиб, изтиробга

тушади.

Хикоят

Айтишларича, Бахром Гўрнинг бир вазири бўлиб, унинг исми Ростравшан эди. Бахром Гўр ҳамма давлат ишларини унинг кўлига топширганди ва унга ишонарди, вазир устидан бировнинг шикоят килганини эшитмасди. Ўзи кечаю кундуз ов ва сайру томошалар билан машгул эди. Ростравшан бундай ишончдан ботирлашиб Бахромга дейди:

- Халк жуда адабсиз бўлиб, адолат сероблигидан ўткирлашиб кетди, жазо бермасак, ёмон бўлади, деб кўркаяпман.

Подшоҳ ов килишу шароб ичиш билан машгул бўлиб, раият ахволдан беҳабар эди.

- Энди эса икки хил йўл билан жазо берсак: ёмонларни камайтириб, яхшилар бойлигини тортиб олайлик. Кимни «ол» десам, шуни зиндонбанд киласан,- дейди яна вазир.

Шундан сўнг халифа вазири айтганини килиб, у кўрсатган кишини тутиб зиндонга ташлайверади. Ростравшаннинг ўзи пора олиб, Бахромнинг қўл остидан баъзиларини озод этади. Мамлакатда кимнинг яхши оти ёки гўзал куллари, мол ва ерлари бўлса, хаммасини тортиб олади, халк кашшохлашиб, маъруф кишилар дарбадар бўлиб, оворагарчиликка маккум этилади. Хазианага бирор танга ҳам тушмай қолади.

Бир замон Бахром Гўрга душмани кужум қилади. У кўшинга кадиялар инъом этиб, куроллантириб, душманга харши юбормокчи бўлади. Кириб хараса, хазиана бўм-бўш.

Машхур кишилар ва бошликларни сўраттирса:

- Бир неча йил бўлдики, улар уй-жойларини ташлаб, фалон вилоятга кўчиб кетганлар,- деб жавоб беришади.

- Нима учун? - сўрайди Бахром.

- Билмаймиз, - деб жавоб килишади.

Вазирдан кўркиб ҳеч ким овоз чихармабди.

Бир неча кун Бахром ўй-хаёлларга гарк бўлади. Кўнгли сикилганидан бир куни эрталаб биёбон сари йўл олади. Етти фарсанг йўл босиб, куёш иссигидан чанкаб кетганини ҳам билмай қолади. Сув ичишни хохлаб турганида узокда, даштнинг бир чеккасида тутун кўтарилаётганини кўради. Ўзича «Хар колда у ерда одамлар яшаса керак», деб ўша тутунга хараб юради. Якин кегач, бир қапага ва унинг эшиги олдида осиб қўйилган итга кўзи тушади. Қапага якинлашганида ундан бир киши чикиб салом бериб, ичкарига таклиф этади. У мекмони Бахром Гўр эканлигини билмайди. Бор овкатино шох олдига кўяди. Бахром сўрайди:

- Авваламбор менга бу ҳолни тушунтир, кейин нон еймиз, бу нимани англатади?

Ул киши жавоб беради:

- Бу ит менинг қўйларимга посбон эди. Уни шу молларимга харасин, деб саклардим. У чўпонга ўхшарди, бирорта ҳам бўри бу кўтонга якин келолмасди. Кўпинча шахарга кетсам, ўзи сурувни ўтлатгани даштга олиб чикиб, кайтариб олиб келарди. Бир куни қўйларимни санаб кўриб, бир нечасини топмадим.

Кейинчалик харасам, яна бир нечта қўй кам чикди. Бу жойларга ўғри келганини ҳеч ким эслолмайди. Қўйларимга нима бўлаётганлигини ҳеч тушунолмадим. Тез орада шундай акволга тушдимки, садака омили келиб закотини сўраганда, колган қўйларим шу закот адоси учун кетди. Энди мен шу омил учун чўпонлик киламан. Яхши хабарим йўқ эдию, лекин «бу ит ургочи бўри билан топишган бўлса керак», деб ўйлаб колдим. Бир куни ўтин териш учун даштга чикдим. Кайтаётиб ажойиб ҳолатнинг гувоҳи бўлдим. Карасам, бир

бўри ўтлаб юрган кўйлар ичига кириб олиб, кўйларга бемалол якинлашяпти. Бир бута оркасига яшириниб олиб кузатдим. Ит бўрини кўриб, олдида келиб думини ликиллатиб турарди. Бўри жим эди. Кейин ит у билан жуфт бўлиб, сўнг бир чеккага бориб ётди. Бўри ўзини кўйларга уриб, биттасини тутиб олиб ёриб ташлади. Ит индамади. Мен бўри ва итимнинг муомаласини кўриб, нима учун бундай ахволга тушганим сабабини англадим. Буларнинг хаммаси итнинг хиёнатидан экан. Мен итни тутиб олиб, килган хиёнати учун дорга осиб кўйдим.

Бахром Гўр хайратга тушиб ажабланади. Йўлда кайтаётиб, ўй-хаёлларга ботди ва охири шундай хулосага келди: «Раият, халк бу бир галадир, вазиримиз эса - чўпон! Мен мамлакат ва халк ахволини ёмон ҳолатда кўраяпман. Кимдан ахвол сўрасам, хакикатни яширади. Энди халк ахволи ва Ростравшаннинг килмишларини текширишим лозим».

У саройга кайтиб келиши билан энг аввало кундалик ҳужжатларни талаб қилиб, улардан Ростравшаннинг халкка ёмонлик қилиб, ситам кўрсатганини аңғайди. Бу Ростравшан рост ва ёруғлик эмас, балки ёлғону қоронғуликнинг ўзи экан. Бахромнинг эсига доноларнинг «Ким бировга хиёнат қилса, нон топа олмайд, нонга хиёнат қилса, яланғоч қолади», деган сўзи қилиб, уларнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилади.

Мен бу вазирга мансаб, манзалат ва мартаба бердим, у қуч-қувватга эга бўлди. Одамлар давлати ва ҳашаматини кўриб, ундан кўркиб, менга рост гапни айтмайдилар. Бунга шундай чора кўрамиз: эртага вазир саройга қелиши билан уни зиндонбанд этишга фармон бераман-да, кейин: «Биз Ростравшанни мансабидан олиб, ҳибс қилдик ва унга бошқа амал бермаيمиз. Ким ундан ранжу азоб кўрган бўлса, даъво ва шикоят бўлса қелсин, инсоф қиламиз», - деб эълон қиламан. Агарда одамлар буни эшитиб ишонсалар, хакикат ҳам аён бўлажак. Агарда у одамларга яхшилик кўрсатган ва халкнинг молу мулкани тортиб олмаган бўлса, унга шукр ва сипослар баён этсалар, уни сийлаб қайта амал берамиз. Аксинча бўлса, уни жазолаймиз».

Эртаси куни Бахром қабул маросимини ташкил этади, улуг кишилар ва меҳтар (катта) амалдорлар кириб қелиб, ўз жойларини эгаллайдилар. Бахром Ростравшанга ҳараб дейди:

-Сен бизнинг мулкимизга қандай зиён ва зарар етказдингки, қўшинимиз заифлашиб, муктож бўлди? Раиятимизни эса хор қилдинг! Биз сенга одамлар ризқ-рўзини ўз вақтида бериб, вилоят ишларидан гофил қолмаслик, раиятдан хирождан бошқа солиқ олмаслик ва ҳазинани обод қилишнинг буюрган эдик. Энди эса мен ҳазинани бўм-бўш, қўшинни муктож ва раиятни қашшоқ кўраяпман. Сен мени шаробу базм ва ов қилишга берилиб қетиб, халқ ахволдан ҳабарсиз қолган, деб ўйлаганмидинг?

Фармон беради, уни қутиб зиндонбанд қилдилар.

Сарой олдида жарчилар чиқиб жар солишади: «Малик Бахромнинг Ростравшандан қўнғли қилиб, амалидан бўшатди ва унга энди қайта вазифа бермайди. Ким ундан ранжу ситам ва зулм кўрган бўлса, ҳеч кўркмай саройга қелиб ахволини бизга маълум қилсин, шох адл ва инсоф билан ишларини қўриб чиқади!».

Подшоҳ зудлик билан зиндонларни очиб, бақдиларни ҳузурига олиб қелишни буюради. Уларнинг ҳар биридан нима учун зиндонбанд этилганликларини сўрайди. Биринчи дейди:

- Молу давлати қўп биродарим бор эди. Ростравшан уни қутиб олиб, азоб ва шиканжаларда ўлдирди ва ҳимма бойликларини эгаллаб олди. Мен ундан:

- Ақамни нега ўлдирдинг? - деб сўрасам:

- У бизнинг душманларимиз билан алоқада, - деб жавоб берди. Мени подшоҳ олдида қилиб шикоят қилмаслигим учун зиндонбанд қилди.

Бошка бир махбус дейди:

- Отамдан мерос колган катта бир бог сохиби эдим. Унинг ёнида Ростравшаннинг ҳам мулки бор эди. Бир куни у менинг богимга кирдию, ёктириб колди. Сотиб олмокчи бўлди. Мен уни сотмадим. Шунда у менга:

- Сен фалон кишининг кизини севасан ва бу жинойтинг бизга аён бўлди. Шу богни сотиб, бу бог асли Ростравшаннинг мулкидир, деган хужжат олиб келгин, деди. Мен бунга рози бўлмадим. Мана беш йилдирки, зиндонда ўтирибман. Яна бири хикоя килди:

- Мен бир савдогар кишиман. Ишим шундан иборатки, хар хил жойларга катнайман ва озгина пулим бор. Бир шахардан бирор яхши нарса сотиб олиб, бошка шахарга олиб бораман ва уни сотиб, озгина фойдасига ҳам каноат киламан. Менда бир бог-лам марварид бор эди. Шу шахарга келганим вазирга аён бўлиб-ди. У киши юбориб, мени олдига чакирди-да, ўша марваридни талаб килиб, пулини бермай хазинасига олди. Бир неча маротаба унинг ёнига бордим, лекин у мени кўрса ҳам на пулимни ва на маржонимни кайтариб бермади. Охири унинг йўлини тўсиб:

- Агарда маржон ёккан бўлса, буюринг, пулини беришсин. Ёкмаган бўлса, марварид маржонимни кайтарсинлар, мен йўл кишисиман, кетишим керак! - дедим.

У ҳеч нима демади.

Уйимга кайтдим. Бир вақт тўрт нафар аскар билан бир сарханг келиб: «Сени вазир сўраяпти», дейишди. Маржоннинг пулини берса керак, деб хурсанд бўлдим. Аскарлар билан бирга келдим. Улар мени зиндонга олиб бориб зиндонбонга: «Буни хибс килиб, оёгига занжир бойлаб кўйишингни буюришди», дейишди. Мана бир йилдан бери зиндондаман.

Яна бир махбус дейди:

- Мен фалон нокиянинг раисиман ва менинг уйим мекмонлар, акли илм ва гарибларга хамиша очикдир, мен гарибу бечораларга мадад бериб, камбагалларга хар доим садака улашаман. Менга отамдан мерос колди ва шу меросий мол-мулкимни хайру эксонга, мусофирларга сарфладим. Подшоҳнинг вазири: «Сен хазина топгансан», деб зиндонга ташлади. Могу бойликларимни талаб килиб, азоблади. Хаммасини ярим бахосига сотиб, унга бердим. Энди эса тўрт йилдан бери зиндонда ётибман ва бир дирхамга ҳам зорман. Бошкаси гапирди:

- Мен фалон мулкдорнинг ўғлиман. Подшоҳнинг вазири отамнинг мол -мулкни мусодара этиб, ўзини уриб ўлдирди, мени эса зиндонбанд этди. Етти йилдан буён шу ерда азоб тортаяпман.

Яна бир банди дейди:

- Мен кўшиннинг сарбозиман. Бир неча йилдан буён мали-ким ва унинг отасига хизмат килиб келдим ва хизматим учун девондан как олардим. Ўтган йили менга хазинадан ҳеч нима тегмади. Шу йил вазирга дедим:

- Менинг оилам бор ва ўтган йили девондан ҳеч қандай ол-мадим. Буюргин, бу йили менга қандай беришсинлар, бир қисмини харзларимга, колганини нафахам учун харж этсам.

- Подшоҳнинг бирор бир муҳим иши йўқ, лашкарга ва махсус сенга ўхшаганларга хожати холмаган. Нон емоқчи бўлсанг, бо-риб мардикор бўлгин, - жавоб килди у.

- Бу саройда менинг хизматларим хақи бор. Менинг марди-кор бўлишим ва сенинг қадхудолик қилишинг тўғри эмас. Подшоҳ менинг қилич қўтаришга ва сенинг қалам тебратишга уста эканлигимизни билиши керак. Мен қурол қўтариб, жонимни шох учун фидо айлашим, сен девон ишларида ўзингни шохим деб қурбон қилишинг лозим. Бизга

нон бермай, подшоҳ фармони бажармаяпсан, вахоланки сен ҳам, мен ҳам подшоҳ хизматчисимиз. Сенга вазирликни, менга сарбозликни буюрган. Урта-миздаги фарх шундан иборатки, мен фармонбардорман, сен эса ундай эмас, ёғийсан. Агар подшоҳ мени девон рўйхатидан ўчир-ган бўлса ва бунга буйруғи бўлса, кўрсатгин, акс холда бизга нимаки тегишли экан, бергин! - деган гапимга у:

- Даф бўл, сени ва подшоҳ жонини мен асрайман. Агарда мен бўлмасам, сенларнинг ўликларингни калхатлар еб кетарди, деб жавоб хилди. Сўнгра шу куни мени хибсга ташлади. Тўрт ойдан буён зиндондаман.

Етти юздан ортик киши махбус бўлиб, улардан факат йигирма нафари ўғри ва ўлимга ҳукм килинган экан, холос. Колганларини вазир тамаъ ва зулм билан хибс этган. Шаҳар ва ноҳиялар аҳолиси шох фармони эшитиб, адолат тилаб саройга келардилар. Уларнинг сон-саногини йўқ эди.

Баҳром халқнинг ахволини, вазир зулм-ситамларини кўриб, бу ишларни чуқурроқ ва жиддийроқ текширишга қарор қилади. Одамларига Ростравшан қасрига бориб, унинг харита-қозғаларини олиб, уйини муҳраб қилишларини буюради. Эътиمودли хизматкорлар бориб, шох фармони бажарадилар. Вазирнинг қозғаларини текширишганда, улар орасида Баҳромда қасди бор бир душманининг илтифотга тўла мактубини топадилар. Уша мактубга Ростравшан ҳам жавоб ёзган экан: «Донлар айтганларидек, гофиллик давлатни қўлдан кеткизар. Подшоҳ ҳам шунга ўхшаб сустқашлик қилапти. Мен сени деб бандалигимда нимаки қўлимдан келса, бажо келтирдим. Қўшинни муҳтожликда қолдириб, баъзиларини гуноҳкор қилиб, ҳайдаб юбордим. Шунча йил нима бойлик орттирган бўлсам, ҳаммасини сен учун ҳазина қилиб йигиб қўйганман. Ҳозир шунча бойлик ҳеч бир подшоҳда йўқ. Мен тожу қамарлар, қийим-кечакларни беэаб қўйдим, бундай нарсалар эса оламда йўқ. Мен бу шохдан тўйиб кетганман. Майдон бўш ва душман гофилдир энди. Бу шох гафлат уйқусидан уйғонмасдан туриб келсангиз, яхши бўларди».

Баҳром бу ёзувни кўриб:

- Офарин, яшавор! У бизнинг бошимизга душманни чакиртириб, шундан мағрур бўлибди-да. Энди унинг ёмонлиги ва хиёнатига шак-шубҳа йўқ,- дебди.

Подшоҳ буйруғига биноан вазирнинг бутун йиккан бойлиги тортиб олиниб, ҳазинага топширилади, қуллари ва моллари ҳам мусодара этилиб, у қимдан пора олган, зулм билан мол-мулкни тортиб олган бўлса, қайтариб берадилар. Кейин фармон чиқариб, сарой дарвозаси олдида баланд дор қурдирадилар ва унга Ростравшанни чўпоннинг итига ўхшатиб осиб қўядилар. Сўнгра у билан шерик ва ёр бўлганларни осадилар. Подшоҳ: «Қимда-ким подшоҳга хиёнат қилса ва қарши чикса, халққа ситам қилиб, омонатига хиёнат этса, Худога ва унинг сояси бўлмиш шохга қарши бош қўтарса, ақволи шундай бўлади», - деб етти кун жар солдиради. Бундай сиёсатни кўриб, ҳамма ситамкорлар Баҳромдан кўркиб қоладилар. Ростравшан қимқаки амал берган бўлса, подшоҳ уларни ишдан олади.

Бу хабар Баҳромга қасд қилган подшоҳ қулогига етиб боради ва у ўз фикридан қайтиб, пушаймон еб, шох Баҳромга қўп ҳадялар юбортириб, узр сўрайди, ўзининг тобелигини бўйнига олиб дейди:

- Мен ҳеч қачон шохга қарши фикрга келмасдим. Шохнинг вазири менга хат йўллаб, қишлар юбориб, шу ишга бош қўштиради. У айбдор эмас ва мендан паноҳ излаяпти, деган фикр ҳаёлимдан ўтди.

Шох Баҳром унинг узрини қабул қилиб, гуноқини кечади. Бир эътиمودли, ишончли ва

мўмин кишини вазирликка тайинлайди. Халк ва кўшин ишларини тартибга солади. Ишлар изга тушади. Мулк обод бўлиб, халк ранжу азобдан кутулади.

Шох Бахром ўша ўз итини осган чўпонни капасидан чакиртириб, унга бир ўкни ўкдонидан олиб бериб:

- Мен нону тузингни едим, бошингга тушган ранж энди менга аён бўлди. Мен сендан карздорман. Мен малик Бахромнинг хожибларидан бўламан. Маликнинг хамма уруглари ва хожиблари менга дўст ва якин, мени улар хурмат киладилар. Ушбу ўкни олиб саройга келсанг, уни кўрган киши сени менинг хузуримга бошлаб киради. Ўшанда сенинг хакингни кайтараман, баъзи зиён-зарарларинг йўк бўлади,- деб чикиб кетади.

Бир неча кундан сўнг ўша кишининг хотини:

- Туриб шахарга боргин. Бу ўкни ҳам ўзинг билан ола кет. Ўша отлик мартабали, куч-кудратга эга мухташам бир кишига ўхшайди. Унинг озгина яхшилиги ҳам сенга етиб ортади. Тур, ўйлаб ўтирма, бундай кишиларнинг сўзлари чиндир,- дейди.

Чўпон кечаси шахарга келиб тунаб, эрталаб шох саройига боради.

Бахром ҳам сарой акли ва хожибларига: «Бирор киши кўлида менинг ўкимни олиб келса, дарров олдимга бошлаб киринглар», - деб тайинлаб қўйган эди.

Хожиблар ўша кишини шох ўки билан кўрганларида олдиларига чорлаб:

- Эй жумард, кайда юрибсан? Бир неча кундан буён сени кутиб турибмиз. Ўтириб тургин, биз сени ўк сокиби кузурига олиб борамиз, - дейишди.

Бир вақт Бахром чикиб, тахтига ўтириб, қабул маросимини бошлаб юборади. Хожиблар ўша кишини тахт яқинига олиб ке-ладилар. Кишининг кўзи Бахромга тушиб, уни таниб қолади:

«Э вох ўлдим, ул суворий шох Бахром экан-ку, мен керакли даражада унга курмат кўрсатмабман ва шохга нисбатан бирор камчилик ўтган бўлса керак», деб ўйлайди. Шох тахтига яқинлашиб таъзим бажо келтиради. Бахром улугларига хараб:

- Мамлакат акволини билиб олиб гафлатдан уйғонишимга шу киши сабабчи бўлди,- дея шох ит ва бўри киссасини айтиб бергач:

- Мен шу кишидан сабоқ олдим, - дейди. Сўнгра фармон бериб, бу кишига сарпо кийгизадилар. Етти юз қўй ва бошка моллардан ҳадя қилишади. Ундан олинган солиқларни кайтариб бериб, токи Бахром тирик экан, ундан хирож олмасликка амр қилади.

Искандарнинг Дорони мағлуб этиши Доро вазирининг Искандар билан тил бириктириши оқибатида рўй берди. Доро ўлиmidан кейин Искандар:

- Амирнинг гофиллиги ва вазирнинг хиёвати подшоҳликни йўк қилади,- деб айтган эди. Подшоҳ хамиша қўл остидагилар хол-ахволидан хабардор бўлиб, гофил қолмаслиги, доимо уларнинг ишлари ва қилмишларини билиб юриши лозим, токи улардан бирор-бир хиёнат ва гуноҳ зоҳир бўлмасин. Уларнинг гуноҳларига яраша жазо бериш шартким, токи бу бошқаларга ибрат бўлсин. Шунда подшоҳ сиёсатидан кўркиб бирор киши ёмонлик қилмайди. Бировга катта мансаб берсалар, унинг устидан яна бир кишига вазифа бериб, унинг ишлари ва амалларини махфий равишда текшириб юришни буюрадилар.

Аристотилис шох Искандарга:

- Шу мамлакатда хурмати, обрўси бор кишиларни ҳафа қилсанг, ёки мансабларидан олсанг, уларга дарров бошка амал бер-гин, бўлмаса, улар душманлар билан бирлашиб, сени йўқ қилиш йўлига қиришлари мумкин,- деган эди.

Шох Парвиз шундай айтади:

- Подшоҳ тўрт тоифа кишиларнинг гуноҳларини кечирмас-лиги керак. Биринчиси, унинг

мамлакатига касд килганлар, иккинчиси, унинг харамига кўз олайтирганлар, учинчиси - унинг сирларини фош этганлар ва тўртинчиси шох билан тилда биру дилда бегона бўлганлар ва душманлари билан яширинча шохга касд килганлар гуноҳини. «Марднинг килмишлари унинг сирларидан дарак беради». Подшоҳ уйгок бўлса, ундан ҳеч бир нарса яширин қолмайди.